

## АДАБИЁТДАН ЎҚУВЧИЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Холикова Анора Абдисатторовна,  
Тошкент рақамли иқтисодиёт ва сервис  
техникуми она тили ва адабиёт  
фани ўқитувчиси, А. Навоий номидаги  
ТошДЎТАУ мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Адабиёт фани бўйича ўқувчилар мустақил ишларини сифатли ташкил этиш методлари таҳлил этилди. Ўқувчиларнинг шахсий салоҳияти ва фазилатлари, баркамол шахс масалалари аниқланди. Адабиёт таълими йўналишида янги ғоялар, дидактик тамойиллар тизими ўрганилди. Шунингдек, ўқувчилар мустақил ишларини самарали ташкил этиш йўллари ва уни такомиллаштиришга доир илмий-методик тавсиялар берилди.

**Аннотация:** Проанализированы методы качественной организации самостоятельной работы учащихся по литературоведению. Определены вопросы личного потенциала и достоинств учащихся, формирования гармоничной личности. Изучена система новых идей и дидактических принципов в обучении литературе. Также представлены научно-методические рекомендации по эффективной организации самостоятельной работы учащихся и её совершенствованию.

**Abstract:** Methods for the quality organization of independent work by students in the field of literature studies were analyzed. Issues of students' personal potential and virtues, and the development of a well-rounded personality were identified. A system of new ideas and didactic principles in literature education was studied. Additionally, scientific and methodological recommendations for effectively organizing and improving students' independent work were provided.

**Калит сўзлар:** Дидактик тамойиллар тизими, глобал ёндашув, фидойи ва фаол муносабат, шахсий салоҳият, мустақил иш, ижодий фаолият, жасорат,

этикод, ички интизом, имконият, шижоат, ривожланиш, маданият, педагогик компетентлик, инновацион фаолият, технология, натижа, юксалиш.

**Ключевые слова:** Система дидактических принципов, глобальный подход, преданная и активная позиция, личный потенциал, самостоятельная работа, творческая деятельность, мужество, убежденность, внутренняя дисциплина, возможности, усердие, развитие, культура, педагогическая компетентность, инновационная деятельность, технология, результат, рост.

**Keywords:** System of didactic principles, global approach, devoted and active attitude, personal potential, independent work, creative activity, courage, conviction, internal discipline, opportunities, diligence, development, culture, pedagogical competence, innovative activity, technology, result, advancement.

Маълумки, адабиётдан мактаб ўқувчиларининг мустақил ишларини ташкил этишда ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлик ва билим, малака, маҳоратга эга бўлишлари муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва баркамол шахсни шакллантириш назариясини янги ғоялар асосида бойитишни билиши зарур. Айниқса, ўқитувчининг бу йўналишда дидактик тамойиллар тизими: илмийлик, изчиллик, қулайлик, узвийлик, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, онглилик, фаоллик ва мустақиллик, кўргазмалилик, мустаҳкамлик, гуруҳ қилиб ўқитиш ва индивидуал ёндашишни қўшиб олиб бориши, ўқитишни эса тарбияловчи ва такомиллаштирувчи, касбий йўналтирилганлигига жиддий эътибор бериши, амал қилиши муҳимдир.

Ўқувчилар мустақил ишларига қуйиладиган талаблар: ўқувчилар дунёқарашининг кенг қамровли бўлиши ёки глобал ёндашувни амалга ошира олиш, мақсадни аниқ кўриш, қатъиятли бўлиш, онгли мустақил ишлаш, узлуксиз ўқиш, ўзгалар фикрини тинглай олиш, холис, беғараз ва тўғри ҳолатида ўз имкониятидан самарали фойдаланиш, жисмонан соғлом, маънавий юксак соғлом бўлиш. Ушбу сифатларни ўзида акс эттирган ўқувчи ўз ишини севади ва унга фидойи ва фаол муносабатда бўлади.

Ўқувчи шахсида мустақил ишлашга нисбатан шаклландиган мотивлар:

- \* мустақил ишлашда ижодий ёндашувнинг жозибадорлигини таъминлаш;
- \* мустақил ишнинг мақсади ва сифатли натижага эришиш имкониятларини аниқ тасаввур этиш;
- \* мустақил фаолиятни тўғри режалаштириш ва вазифаларни аниқлаш;
- \* мустақил ишга самимий муносабатда бўлиш, эришилган ютуқларга холис ва самимий баҳо бериш;
- \* мустақил ишлашга ҳалақит бераётган барча омиллар ва шарт-шароитларга барҳам бериш;
- \* ўз устида мустақил ишлаш, соғлом фикрлашга эришиш динамикасини таъминлаш.

Адабиёт таълимидан ўқувчилар мустақил ўқиб билим олишлари асосида ўқув материалларини мустаҳкам ўрганадилар. Мустақил ўқиб билим орттириш ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлик кўришидир. Ўқувчи мустақил фаолияти давомида кўпинча ўқитувчи раҳбарлигисиз индивидуал ёки жамоавий бўлиб фаолият юритиши тушунилади. Ўқувчи мустақил фаолиятининг асосий мазмуни-ўқитувчи назорати ва ёрдамисиз ишлашида эмас, балки унинг фаолиятида янги маълумотлар билимга айланиши ва янги ўз-ўзини бошқариш функцияларига кўникма ҳосил қилиши назарда тутилади. Ўқувчи мустақил билим олиш жараёнида фаол, иқтидорли шахс сифатида намоён бўлади. Ўқувчининг фаоллиги унинг мустақил фаолияти мақсадини белгилаши, режалаштириши, ўз-ўзини назорат қилиши ва ишига баҳо беришидан иборатдир. Мустақил фаолиятни тўғри ташкил этиш ўқувчининг билими меъёрини оширишга имконият яратади ва ижодий ёндашишини фаоллаштиради. Бу эса уларнинг олган билимларини эътиқодга айланиши ва интизомли, ташаббускор бўлишига чорлайди. Демак, бунда ўқувчи ижодкорлик руҳида берилган билимларни ўзлаштиради ва ўқув материаллари устида мустақил ишлашни ўрганади ҳамда адабиёт таълими йўналишида юксак муваффақиятларга эришади.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлаши орқали шахсий салоҳиятини оширишда қуйидаги жиҳатларга эътибор берилади:

- \* мустақил фаолиятга эътиборсизлик қилмаслик, синчковлик билан таҳлил этиш;
- \* мустақил ишга доир муаммони кўра билиш ва уни мустақил фаолияти натижасига боғлай олиш;
- \* мустақил ишлашда масала ёки муаммонинг асл моҳиятига етиб бориш ва уни бошқа боғлиқ томонларини кўра олиш;
- \* мустақил ишлаш жараёнида „ Нима учун, „ Нега, „ Қандай, деган саволлардан қочмаслик, уларнинг жавобларини излаб топишга ҳаракат қилиш;
- \* мустақил ишлаш давомида янги фикр пайдо бўлса, уни қандай ва нима учун пайдо бўлганлигини таҳлил этиш ва тушуниш;
- \* мустақил иш фаолиятини такомиллаштириб бориш ва унда янги билим манбалари ва маълумотлардан фойдаланиш;
- \* мумтақил ишлаш давомида эришилган натижадан кейин ҳам янги-янги вазифаларнинг бажарилишини амалга ошириш.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлай олиши давомида шаклланадиган асосий шахсий фазилатлари:

1. Қатъият- шижоат, ишонч билан ўз мақсадлари йўлида ҳаракат қилиш ва иродали бўлиш.
2. Фикрлашда журъатли бўлиш, ўз фикрларининг афзаллигини исботлаш, уни амалиётга татбиқ этиш.
3. Жасоратли, эътиқодли бўлиш.
4. Ички интизоми, ўзининг ривожланиши йўлида барча имкониятларини фидойиларча сафарбар эта олиш.
5. Маданиятли бўлиш, одамлар ўртасида обрў- эътибор қозониш, ривожланиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилиш ва ҳоказо. Ўқувчиларнинг бу каби муваффақиятларга эришиши эса ўқитувчининг маънавий юксаклиги унинг адабиёт бўйича етарли маълумот, билимларни ўзлаштириши, ўз соҳаси бўйича ишончли омиллар, амалий материаллар

моҳиятини тушунтириш ва изоҳлаш имкониятининг мавжудлиги, касбий хулқи, муомала маданияти, қатъиятлиги билан белгиланади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий изланувчанлиги, ўқитишда янги технологияни қўллаш одиши, юксак маҳоратга эга бўлиши, ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва ишлашга ўргатиши, ўз-ўзини бошқаришга одатлантириши унинг ташаббускорлигини намоён этади. Бу борада ҳатто, ўқитувчининг илмий салоҳияти ва амалий кўникмаларини янада такомиллаштиришнинг бирдан-бир йўли ҳам мустақил ўқишдир. Чунки, ҳар қандай чуқур. билим фақат мустақил ўқиш йўли билангина орттирилади.

Ёш авлодга адабиётдан таълим ва тарбия беришни муваффақиятли ҳал этиш ўқитувчига, унинг ғоявий эътиқоди, касб маҳорати, истеъдоди ва маданиятига боғлиқ. Абу Наср Фаробийнинг таъбирича, Таълим ҳам, тарбия ҳам ёшларнинг ҳақиқий инсон бўлиб етишиши учун ниҳоятда зарурдир, дейилади. Фаробий инсонни ҳар томонлама мукамал қилиб тарбиялашда қўлланадиган таълим-тарбия усуллари, воситаларига жуда катта эътибор беради. У таълим ва тарбия беришда тарбияланувчига хос хусусиятни, хоҳиш, интилишни, руҳий майлларни ҳисобга олиб, таълим-тарбияни аста-секин тушунтириш, англашиш йўли билан олиб бориш, қўлланадиган усулни мўлжалланган мақсад томон йўналтириш кераклигини айтади. У бу икки усул етук ва мукамал инсонни етиштиришга хизмат қилиши кераклигини таъкидлайди. **1. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри - Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - 78-б.** Бу ғоят мураккаб ва масъулиятли вазифани амалга оширишда ўқитувчи қандай ўқитиш кераклигини назарий-амалий жиҳатдан билиши лозим. Маълумки, ўқитувчининг педагогик маҳорати, асосан дарсда кўринади. Ўқитувчилик - катта санъатдир. Бу санъатга ўқитувчилик касбига чинакам мураббий бўлишга ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савияси, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошириб боровчи, мустақиллик ғояси ва мафқураси билан пухта курулланган ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар инсонларгина эриша оладилар. Табиийки, моҳир ўқитувчи ўзининг шахсий фаолиятини ўзи таҳлил

этиб боради. Педагогик компетентлигини ривожлантириш учун фаолият давомида педагогик вазифа ва мақсадларини ўзгартириб, янги вазифаларни қўллаш асосида ёшлар шахсига мохирлик, донолик, ижодий дадиллик, чуқур илмий тафаккур билан ёндашади. Ёш авлодга чуқур билим беришда ўқитувчи юксак қобилият ва ишчанлик билан онгли, ижодий ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнига методик билимларини ҳамда самарали методларни қўллаш олиши керак.

Ўқитувчи адабиётдан ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этишда қуйидаги методлардан кенг фойдаланади. Хусусан, оғзаки, амалий, кўрғазмали, китоб билан ишлаш, видео методлар, тушунтириш, иллюстратив, репродуктив, муаммоли баён этиш, эвристик--қисман ижодий методларни қўллаш орқали билимлар мустақил равишда эгалланади ҳамда мустақил фикр юритишда муаммоли вазиятлар яратилади, ечими топилади. Маълумки, “Метод” атамаси юнонча “methodos” сўздан олинган бўлиб, йўл; тадқиқот, ўқитиш, баён этиш усули; хатти-ҳаракат усули; усул, усуллар йиғиндиси маъноларини англатади. Метод педагогик категория сифатида кўзда тутилган ўқув-тарбиявий жараённинг умумий мақсадига эришишнинг йўллариини англатади. Ўқитиш жараёнида метод қўлланиши учун а) ўқувчилар, б) ўқитувчи, в) ўзлаштириладиган мазмун ёки эришиладиган натижа каби уч унсур бўлиши керак. Олдинлари педагогика илмида таълим методи тушунчасига ўқувчи билан ўқитувчининг биргаликда фаолият кўрсатиш усулларинигина ўз ичига оларди. Эндиликда таълим методи тушунчаси бир қадар кенгроқ маънода англанилиб, таълим мазмуни ёки эришиладиган дидактик натижани ҳам ўз ичига оладиган бўлди. Негаки, ўқувчилар билан ўқитувчининг айнан шу йўсинда биргаликда фаолият кўрсатиши тасодифий бўлмай, балки ўзлаштириладиган таълим мазмуни ёхуд эришиладиган дидактик натижага боғлиқ. Таълим методини таълим мазмуни белгилайди. Таълим мазмунига қараб муайян таълим методи танланади. Таълим методи тушунчасини турли олимлар турли даврларда турлича изоҳлаганлар. Чунончи, шўро даври адабиёт ўқитиш методикаси

арбобларидан бири **В. В. Голубков** методни шундай изоҳлайди: “ ...бу таълимнинг мунтазам қўлланилиб, педагогик ишнинг умумий йўналишига катта таъсир кўрсатадиган усулларидир ” **2.(Голубков В. Методика преподавания литературы. –Москва: «Просвещение», 1962. –С. 69).** М. Н. Скаткин, И. Я. Лернер каби олимлар таълим методининг “ ...ўқувчилар билан ўқитувчининг таълим мазмунини ўзлаштиришга хизмат қиладиган биргаликдаги мунтазам фаолият тизими. Унинг табиати а) таълим мақсадини, б) ўзлаштириш усулини, в) ўқиш усулларининг ўзаро таъсири йўналишини белгилашда намоён бўлади”, - деб таъкидлайдилар **3.(Российская педагогическая энциклопедия: В 2т.; Т.1. – Москва: 1993. –С. 566).** Таълим методи тушунчаси ўз ичига ўқувчи, ўқитувчи ва таълим мазмуни сингари унсурларни қамраб олиб, муайян таълим мазмунининг ўқувчилар томонидан ўқитувчи раҳбарлигида ўзлаштирилишини ташкил этишга қаратилган биргаликдаги фаолиятни англатади.

Адабиёт таълими сифатини таъминлаш, ўқувчилар мустақил ишларини самарали ташкил этишда ўқитувчидан қуйидаги бурч ва масъулиятлар талаб этилади:

- энг аввало, ўқитувчи юксак ҳис-туйғу ва тажриба, нотиклиқ санъатига эга маданиятли ,маърифатли, ижодкор, таълим-тарбия фаолиятида ташаббускор ва ёш авлод келажаги учун жавобгар шахс бўлиши;
- ўқитувчи ўз меҳри, эстетик ҳис-туйғуларини ҳар лаҳзада ёшлар ички дунёси билан боғлай олиши ва уларнинг меҳри, ҳурматига сазовор бўлиши;
- ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ва уларга холисона баҳо бера олиши;
- замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва ахборот коммуникацион технологиялар янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши;
- ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимли бўлиши ва барча фанлар интеграциясини ўзлаштириб, ўз устида тинимсиз илмий изланишлар олиб бориши;

- ўқитувчи педагогика ва психология фанларининг асосларини пухта билиши, ёшларнинг психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия фаолиятини ташкил этиши;
- касбий педагогик фаолиятида таълим ва тарбиянинг энг самарали замонавий шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши, коммуникатив лаёқат, педагогик техника қоидаларини чуқур ўзлаштириб бориши;
- ўқитувчининг кийиниш маданияти ўзига хос бўлиши, яъни содда, озода, бежирим кийиниши; - ўқитувчи таълим муассасаси ва соҳасида энг фаол бўлиши, ўзида педагогик мулоқот жараёни ва маҳоратнинг бир қатор сифатларини узлуксиз таркиб топтириб бориши;
- энг муҳими ўқитувчи мулоҳазали, босиқ ҳолда ҳар қандай педагогик вазиятни тўғри баҳолай олиши ҳамда мустақил равишда мавжуд зидиятларни бартараф этишнинг уддасидан чиқиши лозим. Ўқитувчилар унутмасликлари керакки, кучли билим, касбий методика ва оддий инсоний фазилатлардан иборат учта хусусият бирлашиб, ўқитиш жараёнининг пировард натижасини белгилайди. Ижодий ишловчи педагог янги услублар кашф этади ва янада яхшироқ таълим ва тарбиявий самарага эришади.

Ўқитувчи ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этишни яхлит ҳолатда кўра билиши ва уни тасаввур этиши учун бўлажак машғулот жараёнини лойиҳалаштириб олиши лозим. Ўқитувчи томонидан мустақил ишлашнинг технологик харитасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва педагогик маҳоратига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда ўқувчиларнинг мустақил ишлаш жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа, кафолатланган натижа, мустақил ишни ташкил этиш технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Инновацион фаолиятни тўғри ташкил этиш, мустақил ишлаш жараёнида юзага келган муаммоларни самарали ҳал этади ва унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи жараён режалаштирилади ҳамда



амалга оширилади. Демак, ўқувчилар мустақил ишларини самарали ташкил этилиши ўқитувчининг инновацион фаолияти, ғоявий эътиқоди, касб маҳорати, истеъдоди ва маданиятига бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда шиддат билан ривожланаётган замон ҳар биримиздан доимо изланиб, ташаббус кўрсатиб, янгича ишлашни талаб этмоқда. “Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак” **4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир”. 30 сентябрь 2020 йил.** Бу борада инновацион фаолият педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутди.

**Хулоса шуки,** инновация мустақил ишлаш жараёнига янгилик олиб кириш, иш жараёнини ўқувчи эҳтиёжи, хоҳиши ва истакларига мослаштириш, ёшларни мустақил мутолаага ўргатиш демакдир. Инновация – амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимида шаклланган янгича ёндашувдир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилади ва таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади ва таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараёни қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган охириги натижа сифатида ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун олдиндан таълим жараёнини лойиҳалашдир. “Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм фан ютуқларисиз биронта соҳанинг ривожланиши мумкин эмас” **5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом**

эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 том. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 85 б.

Инновациянинг мақсади сарфланган маблағ ёки кучдан энг юқори натижа олишдан иборатдир. Инновация эса тизимли, яхлит ва давомли бўлиб, амалиётда субъектлар позицияларини тўла янгилайди ва янги фаолият тизимини лойиҳалайди. Бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади. Натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри - Абдулла Қодирий номидаги халк мероси нашриёти, 1993. -78-б.
2. (Голубков В. Методика преподавания литературы. –Москва: «Просвещение», 1962. –С. 69).
3. (Российская педагогическая энциклопедия: В 2т.; Т.1. – Москва: 1993. –С. 566).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир”. 30 сентябрь 2020 йил.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлиминини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 том. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 85 б.